

Абулқосимов Ҳасан

ЎзМУ профессори, и.ф.д.

ГЛОБАЛ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ДАВОМ ЭТАЁТГАН ШАРОИТДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг давом этиши, бугун у қандай тенденцияларга эга, ушбу инқироз шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти қандай ривожланмоқда ва бу жараёнлардан қандай ўзгаришларни кутиш мумкинлиги шу куннинг энг долзарб масалаларидан бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 январдаги мажлисида қилган маърузасида: “Бугун шуни тан олиш керакки, ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамда унинг оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш бўйича амалга оширилган инқирозга қарши дастурлар ва кўрилатган чора-тадбирларга қарамасдан, бу борадаги аҳвол, афсуски, яхшиланмаяпти, айрим кўрсаткичлар бўйича эса унинг ёмонлашиш тенденцияси кузатилмоқда”¹, деб таъкидлаган.

Ушбу жараёнларни таҳлил қилиш учун инқироз ва унинг келиб чиқиш сабабларини изоҳлаш лозим бўлади. Инқирозлар бозор мувозанати ва иқтисодий мутаносибликларнинг бузилиши оқибатида юз беради. Инқирозлар ялпи талаб ва ялпи таклиф, ишлаб чиқариш билан истеъмол, истеъмол ва жамғариш, даромадлар ва харажатлар ўртасидаги мувозанат, мутаносибликнинг бузилиши туфайли юз беради. Инқироз иқтисодий ўсиш даражаси ва суръатининг тушиб кетиши,

сўнгра маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши, кўплаб корхоналарнинг ёппасига синиши, ишсизлик даражасининг ўсиши, кредит алоқаларининг бузилиши, қимматли қоғозлар бозорида акция курсининг тушиб кетиши, банк фоизларининг ўсиб кетиши, барча тадбиркорларнинг пулга эҳтиёжларининг ортиши, нархлар тушиши билан изоҳланади.

Биринчи халқаро инқироз 1825 йили Англияда, сўнгра 1836 йили Англия ва АҚШда, 1841 йили АҚШда, 1847 йили АҚШ, Англия, Франция ва Германияда юз берди. 1857 йилги инқироз биринчи жаҳон циклик инқироzi кўринишида тарихда қолди. Сўнгра 1873, 1882, 1890–1901 йилларда ҳам инқирозлар юз берди. Биринчи Жаҳон урушидан кейин Ғарб мамлакатлари иқтисодиётини мунтазам равишда инқирозлар ларзага солиб турди. Айниқса, 1929–1933 йиллардаги инқироз ўзининг чуқурлиги даражаси билан аввалги барча инқирозлардан ўтиб кетди. Ҳозирги иқтисодий инқирозлар XIX аср ва XX аср биринчи ярмидаги инқирозлардан фарқ қилади. Бу фарқлар мувозанат бузилиши даражасида, цикл фазаларининг ўзгаришида, ўртача тебранишлар узунлиги, давлатнинг циклларни тартибга солишида қатнашиши ва бошқаларда намоён бўлади. Эндиликда депрессия фазаси йўқ бўлиб, юксалишнинг чўққиси – бум, қисқаришнинг энг қуйи нуқтаси таназзул деб аталадиган бўлди, жонланиш билан юксалиш

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2013. –19-б.

бир фазага бирлашди. Иқтисодий инқироз (рецессия) мамлакат ялпи ички маҳсулоти абсолют ҳажмининг камида икки квартал мобайнида кетма-кет қисқариши ҳолатини ифодалайди.¹ Рецессия бутун иқтисодиётда хўжалик фаоллиги кескин қисқаришининг тарқалиши, бир неча ойдан кўп муддатда давом этиши, ишлаб чиқариш, бандлик, реал даромадлар ва бошқа кўрсаткичларнинг пасайишида намоён бўлади. Молиявий инқироз эса фонд бозори ҳажмининг 20% дан ортиқ камайиши, банклар ўртасидаги кредит бозорида фоиз ставкаларининг икки баробар ўсиши, миллий валюта курсининг 10% дан ортиқ пасайиши ҳолатини ифодалайди.

2008 йилда бошланиб, ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг келиб чиқиш сабабларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" деб номланган асарида кўрсатиб берган. Улар қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда;

- иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади;

- учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси,

кўлами ва оқибатларининг қандай бўлиши, кўп жиҳатдан, бир қанча омилларга, яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлик мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имкони)га, уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта заҳирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлилик даражасига боғлиқ;

- тўртинчидан, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва, умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ². Юртбошимиз томонидан кўрсатиб ўтилган ушбу инқироз сабаблари ҳозирда ҳам ҳамон сақланиб келмоқда. Дарҳақиқат, йирик ривожланган мамлакатларда нораціонал пул-кредит сиёсати ҳамда қайта молиялаш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб туриш натижасида қарзга яшаш одатий ва кундалик ҳолатга айланди. Ипотека кредитлари бериш талабларининг асоссиз бўшаштириб юборилганлиги ва уй-жой бозорида нархларнинг қисқа муддат ичида кескин ўсиши, кўп йиллар мобайнида давлат бюджет тақчиллигига ва салбий ташқи савдо балансига эгаллиги, давлат ташқи қарзи миқдорининг ЯИМга нисбатан ўсиш суръатларининг жадаллашуви, молиявий институтларнинг мажбуриятларига нисбатан устав маблағлари мутаносиблигининг кескин бузилиши, шунингдек, ҳақиқатда ишлаб чиқарилган жаҳоннинг ялпи миллий маҳсулоти ҳажмига нисбатан жаҳон молия бозорида амал қилаётган деривативлар қийматининг деярли 13 баробардан зиёдга ортиб кетиб, катта номутаносиблик вужудга келганлиги глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг содир бўлишига сабаб бўлган эди.

¹ Абулқосимов Х.П. ва бошқ. Иқтисодиёт асослари ва Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий ислохотлар. – Т.: «Академия», 2011. –259–261-б.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: "Ўзбекистон", 2009. –5-б.

1-жадвал. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида айрим мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг ўзгариш динамикаси (ўтган йилга нисбатан % да, + ўсиш, – пасайиш)¹

Мамлакатлар	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
АҚШ	2,0	0,4	-2,6	2,9	1,7	1,8
Япония	2,0	-0,7	-5,2	3,9	-0,4	2,0
Буюк Британия	3,0	0,7	-4,9	1,7	0,8	0,7
Германия	2,5	1,2	-4,7	3,6	3,0	0,7
Ўзбекистон	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3	8,2

Ҳозирда инқирозга қарши кўплаб мамлакатларда чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Дунё бўйича умумий ҳисобда 9,4 трлн. АҚШ доллари (ЯИМга нисбатан 15%), шу жумладан, Буюк Британияда 1,02 трлн. доллар (ЯИМга нисбатан 37%), АҚШда 3,54 трлн. доллар (25%), Германияда 893 млрд. доллар (23%), Японияда 756 миллиард доллар (12%), Хитойда 570 млрд. доллар (13%), Россияда 222 млрд. доллар (13,9%) миқдоридagi молиявий маблағлар инқирозга қарши кураш учун йўналтирилган². Шунга қарамасдан, дунёнинг кўплаб етакчи мамлакатларида давлат қарзи ва миллий бюджетлар тақчиллиги муаммоси деярли ҳал этилмасдан қолмоқда, реал иқтисодиётда ишлаб чиқариш пасайиб бормоқда, жаҳон бозорида харид талабининг камайиши давом этмоқда, ишсизлик даражаси юқориликча қолмоқда, ижтимоий кескинлик кучаймоқда³. Чунончи, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати АҚШда 2007 йилда 2% ни, 2008 йилда 0,4%ни ташкил этиб, 2009 йилда 2,6%га пасайди. 2010 йилда ЯИМ 2,9% га, 2011 йилда 1,7%га, 2012 йилда эса 1,8% ўсди (1-жадвал).

Ушбу жадвалдаги маълумотлардан кўринади, 2011–2012 йилларда ҳам ривожланган

мамлакатларда ЯИМ ўсиш суръати анча суст бўлган. Шу даврда Ўзбекистонда ЯИМнинг юқори барқарор суръатларда ўсишига эришилган.

Ҳозирда инқирозга қарши кураш сиёсатининг самарасизлиги туфайли қарздорлик муаммоси кўпайиб бормоқда. Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, Евроҳудуд мамлакатларидаги қарздорлик инқирози жаҳон иқтисодиёти учун жиддий хавф туғдирмоқда. Европа статистика агентлиги “Евростат”нинг маълумотларига кўра, қарздорлик Европа Иттифоқи мамлакатларидаги ЯИМ умумий миқдорига нисбатан 2011 йилда 82,5%ни, 2012 йилда эса 85,3% ни ташкил этган. Евроҳудуд мамлакатларида эса бу кўрсаткич, мос равишда, 87,3% дан 90,6% га ўсган. Давлат бюджети камомади ЯИМга нисбатан 2012 йилда Грецияда 6,6%ни, Португалияда 6,4% ни, Белгияда 3,9% ни ташкил этган⁴. Сўнги уч йил мобайнида Греция, Ирландия, Кипр ва Португалияни иқтисодий инқироздан қутқариш учун Европа Иттифоқи ушбу давлатларга 400 млрд. евролик маблағ йўналтирилди. Бундан ташқари, Испания банкларига ёрдам бериш учун 100 млрд. евро ажратилган. Еврокомиссиянинг 2013 йил май ойининг охирида ўтган мажлисида ушбу чораларнинг иқтисодиётни соғломлаштиришга олиб келмаганлиги, қарздорлик муаммосини тўхтата олмаганлиги қайд этилган. Эндиликда Словенияда ҳам ушбу муаммонинг жиддий тус олиши кутилмоқда⁵.

Инқироз тенденцияларининг сақланиб қолиши, унга қарши чора сифатида қатъий тежамкорлик режимининг жорий қилиниши натижасида ривожланган мамлакатларда иш-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусидаги Халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқини ўрганиш бўйича махсус курс тақдимот материаллари; Обзор мировой экономики-февраль 2013 года; Предупреждения МВФ: Европа отстаёт от остального мира; Перспективы развития экономики ЕС 2013 году. Манба: www.iarex.ru; www.webecopomy.ru.

² Ваҳобов А., Жумаев Н., Хошимов Э. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. – Т.: “Академия”, 2009, –19–20-б.

³ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. –19-б.

⁴ Предупреждения МВФ: Европа отстаёт от остального мира. DerSpiegel.

⁵ Манба: www.iarex.ru.

сизлик даражаси жадал ўсиб кетди. Евростат маълумотларига кўра, Европа Иттифоқи мамлакатларида 2013 йилнинг май ойида ишсизлик даражаси 12,1% ни ташкил этган. Бу апрель ойидагига нисбатан 0,1% га кўпдир. Европа Иттифоқи мамлакатларида ишсизлар сони 19,2 миллион кишини ташкил этди. Айниқса, ишсизлик 25 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида юқори бўлиб, 2013 йил май ойида 23,8% ни ташкил этди. Ишсизлик даражаси Италияда 12,2%, Испанияда 28,9%, Грецияда 26,8% ни ташкил этди. Словенияда бу кўрсаткич 2012 йил май ойидаги 8,6% дан 2013 йил май ойида 11,2% га ўсди. Испанияда ёшлар ўртасидаги ишсизлик даражаси 56,5% га етди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳамон давом этиши сабабларини қуйидагича асослаб берди:

– дунёнинг энг йирик давлатлари марказий банклари томонидан реал активлар билан деярли таъминланмаган пулларни чиқариш давом этаётгани;

– сунъий молиявий воситалар – деривативларнинг назоратсиз чиқарилаётгани;

– молия ва банк бозорини ортиқча ликвидлик билан тўлдириш, бундай сиёсатни давом эттириш улкан спекулятив “кўпиклар” ҳосил бўлиши, заҳира валюталари ва миллий валюталарнинг қадрсизланиши, инфляция даражасининг ўсиши хавфини туғдирмоқда².

Ушбу сабаблар туфайли, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий тенденциялари 2013–2014 йилларда ҳам намоён бўлиши башорат (прогноз) қилинмоқда. Масалан, С.Е.Дорошко ва Г.П.Самариналарнинг 2013–2014 йиллар бўйича қилган башоратларига кўра, молиявий кўпик пировард талабнинг 0,7% га қисқаришига, нефть кўпиғи талабнинг 0,8% га қисқаришига олиб келиши мумкин. Озиқ-овқат бозорларидаги спекулятив ўйинлар оқибатида талаб яна 12,5% га, жами бўлиб, пировард талаб, уч омилни

ҳисоблаганда, 14% га қисқариб, 86% ни ташкил этиши башорат қилинмоқда³.

Глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг давом этиши туфайли, жаҳон банкининг баҳоларига кўра, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 2013 йилда 2,4% ни, 2014 йилда 3,1% ни ва 2015 йилда 3,4% ни ташкил этади. Бу ўсиш ривожланаётган мамлакатлар ЯИМ нинг 2013 йилда 5,5% га, 2014–2015 йилларда 5,8% га ўсиши эвазига эришилади. Чунки юқори даромад даражасига эга бўлган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суст бўлади. Чунончи, ЯИМ нинг йиллик ўсиш суръати бу мамлакатларда 2013 йилда 1,3% ни, 2014 йилда 2% ни, 2015 йилда 2,3% ни ташкил этиши мумкин. Евроҳудуд мамлакатларида 2013 йилда ЯИМнинг 0,1% га қисқариши, 2014 йилда 0,9% га, 2015 йилда эса 1,4% га ўсиши кутилмоқда⁴.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) прогнозларига кўра, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ўсиши 2013 йилда 1,4% ни, 2014 йилда 2,2% ни ташкил этиши кутилмоқда. ЯИМ Японияда 2013 йилда 1,2% га, 2014 йилда 0,7% га ўсиши мумкин. Хитой иқтисодиёти 2013–2014 йилларда, мос равишда, 8,2% ва 8,5% га ўсиши кутилмоқда. Евроҳудуд мамлакатларида ЯИМ 2013 йилда 0,2% га қисқариб, 2014 йилда 1% га ўсиши башорат қилинмоқда⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Тобора ўсиб бораётган бундай муаммолар бугунги кунда глобал инқироз келтириб чиқараётган чуқур жараёнларни фақат эски восита ва принципларни тузатиш билан ҳал этиб бўлмаслигидан дарак бермоқда ва авваламбор, молия ва банк тизимининг янги тузилмасини, уни назорат қилиш ва тартибга солиш механизмларини кўп томонлама ишлаб чиқишни тақозо этмоқда”⁶, деб таъкидлаган.

³ Прогноз мирового кризиса 2013–2014 гг. Межотраслевое моделирование мирового кризиса в рамках стандарта NAICSUSA (www.webeconomy.ru).

⁴ Перспективы развития экономики ЕС в 2013 году (www.webeconomy.ru).

⁵ Обзор мировой экономики – февраль 2013 года (www.webeconomy.ru).

⁶ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. – 20-б.

¹ Европа: В странах ЕС насчитаны уже 19,22 млн. безработных (www.bnl.ru).

² Прогноз мирового кризиса 2013–2014 гг. Межотраслевое моделирование мирового кризиса в рамках стандарта NAICSUSA (www.webeconomy.ru).

Шу муносабат билан айтиш жоизки, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг олдини олиш ва юмшатиш борасида Ўзбекистон тажрибаси кўплаб мамлакатлар, халқаро экспертлар ва мутахассислар эътиборини тортмоқда. Президентимиз И.А.Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган беш тамоийилга асосланган ислохотларнинг ўзбек моделининг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос яратди. Шунингдек, қуйидаги омиллар мазкур инқироз салбий оқибатларининг олдини олиш ва юмшатиш ҳамда юқори барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш имконини берди:

- Тижорат банкларининг ликвидлик ва капиталлашиш режасини оширишга қаратилган сиёсат 2005 йилдан бошлаб изчил амалга оширилган. Банк тизимининг жами капитали 2012 йилда 24,3% га, сўнги уч йилда эса икки баробар кўпайди. Бугунги кунда банк капиталининг етарлилик даражаси 24,0% дан ошиб, бу эса қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар юқоридир. 2012 йил якунлари бўйича банк тизимининг ликвидлиги 65,0% дан ортмоқда, бу эса талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар юқоридир. 2010 йилда атиги 13 та тижорат банки ижобий халқаро рейтингга эга бўлган бўлса, 2012 йилда уларнинг сони 28 тага етди¹.

- Пухта ўйланган пул-кредит сиёсатининг амалга оширилиши натижасида инфляциянинг прогноз кўрсаткичлари чегарасида сақлаб қолинаётганлиги. Инфляция даражаси 2005 йилда 7,8% ни, 2010 йилда 7,3% ни, 2011 йилда 7,6% ни, 2012 йилда 7,0% ни ташкил этди².

- Оқилона бюджет-солиқ сиёсатининг олиб борилганлиги натижасида Давлат бюджети профицит билан бажарилмоқда, солиқ юкининг пасайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Давлат бюджетининг профицити ЯИМ га нисбатан 2008 йилда 1,55% ни, 2009 йилда 0,2% ни, 2010 йилда 0,3% ни, 2011

ва 2012 йилда 0,4% ни ташкил этди. Давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан 2008 йилда 23,7% ни, 2009 йилда 23,0% ни, 2010 йилда 22,1% ни, 2011 йилда 21,9% ни, 2012 йилда 22,0% ни ташкил этди. 2012 йилда кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6% дан 5% га туширилди, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси ўртача икки баробар камайтирилди³.

- Ташқи савдо таркибида чуқур таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилганлиги. Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 1990 йилда 805,6 млн. долларни, шу жумладан, экспорт 442,7 млн. долларни, импорт 362,9 млн. долларни, ижобий сальдо эса 79,8 млн. долларни ташкил этган эди. 2012 йилда эса ташқи савдо айланмаси 26,3 млрд. долларни, экспорт ҳажми 14,26 млрд. долларни ташкил этди. Экспорт ҳажмида хом ашё бўлмаган тайёр товарлар улуши 70% дан зиёдни ташкил этди. Экспорт таркибида пахта толасининг улуши 1990 йилдаги 59,7% дан 2012 йилда 8,8% га камайди. Импорт таркибида озиқ овқатлар улуши 5 баробарга яқин миқдорда камайди, машина ва автобуслар миқдори 2012 йилда 45,4% га ўсди⁴.

- Мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялар миқдорининг барқарор ўсиш суръатига эга бўлаётганлиги. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 2006 йилда 6,2% ни, 2007 йилда 6,1% ни, 2008 йилда 28,3% ни, 2009 йилда 24,8% ни, 2010 йилда 8,7% ни, 2011 йилда 7,9% ни, 2012 йилда 11,6% ни ташкил этди. Жами инвестицияларнинг 21,6% ини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79% дан кўпроғи тўғридан-тўғри инвестициялардир. Жами инвестицияларнинг 83,4% и янги қурилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга йўналтирилган⁵.

- Мамлакат ташқи қарзининг мўътадил даражасини таъминлашга муваффақ бўлинганлиги. Бу борада Ўзбекистон Республика-

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. –6-б.

² Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012 год. – Т.: ЦЭИ, 2013. –С. 12.

³ Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012 год. – Т.: ЦЭИ, 2013. –С. 26, 27, 41.

⁴ Ўша жойда. –С. 21–22.

⁵ Ўша жойда. –С. 82–83.

⁶ Ўша жойда. –С. 16,18,19.

2-жадвал. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларидаги улуши (%)¹

Тармоқлар	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Ялпи ички маҳсулот	31,0	38,2	52,5	54,0	54,0
Саноат маҳсулоти	11,3	9,8	19,6	21,0	22,2
Қишлоқ хўжалиги	73,6	85,7	97,9	97,9	98,0
Қурилиш	37,0	48,5	52,3	69,0	70,7
Чакана савдо айланмаси	45,3	43,7	50,5	47,0	45,3
Пулли хизматлар	37,9	52,5	47,7	46,4	44,7
Экспорт	10,2	6,0	13,6	18,8	15,8
Импорт	27,4	33,7	36,6	37,4	37,6
Иш билан бандлар сонидаги улуши	49,7	64,8	74,3	74,8	75,7

си Президенти И.А. Каримов: “Бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлаб қолишга эришди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари миқдори ялпи маҳсулотга нисбатан 16,0 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқаро мезонлар бўйича “ўртачадан ҳам кам” даражада баҳолангани буни исботлаб бермоқда”¹, деб таъкидлаган.

• Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш сиёсатининг амалга оширилгани. Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 2000 йилдаги 31,0% дан 2012 йилда 54,6% га ўсди (2-жадвал).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларининг ўсишида ҳам салмоқли ўрин тутмоқда. 2012 йилда республика бўйича қарийб 1 миллион янги иш ўринлари яратилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 485 минг киши, касаначиликнинг барча шакллари кенгайтириш ҳисобига эса 218 минг киши иш билан таъминланди. Тадбиркорлик фаолиятдан

олинаётган даромад аҳоли даромадларининг 51% ини ташкил қилди². Юртимизда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар натижасида, Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилди³. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши мамлакатимизда ўрта синфнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтказилган сўровларга кўра, айти пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 50% га яқини ўзини ўрта тоифага мансуб деб билади. Ҳолбуки, 2000 йилда атиги 24% аҳоли ўзини шу тоифага мансуб деб билар эди⁴.

Ўзбекистонда глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастурининг муваффақиятли амалга оширилиши оқибатида ҳозирги мураккаб шароитда ҳам юқори барқарор, мутаносиб иқтисодий ўсишга эришилмоқда (3-жадвал).

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган шароитда ҳам ЯИМ 8% дан кам бўлмаган юқори барқарор суръатларда ўсган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Мамлакатимиз

² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. –32-б.

³ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. –29-б.

⁴ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. –33-б.

¹ Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012 год. – Т.: ЦЭИ, 2013. –С. 16, 18, 19, 82–83.

3-жадвал. Ўзбекистоннинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари динамикаси (ўтган йилга нисбатан % да)¹

Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013* й.
Ялпи ички маҳсулот	9,0	8,1	8,5	8,3	8,2	8,0
Саноат маҳсулотлари	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7	8,4
Қишлоқ ҳўжалиги	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0	6,0
Асосий капиталга инвестициялар	28,3	24,8	8,7	7,9	11,6	11,0
Жами хизматлар	21,3	12,9	14,6	13,2	14,2	16,0
Чакана савдо айланмаси	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9	16,0

* 2013 йил – прогноз.

иқтисодиётининг ўтган йил натижаларини баҳолаганда, Халқаро валюта жамғармаси миссияси раҳбари Вероника Бакалу хонимнинг ушбу миссиянинг Ўзбекистонда 2012 йил ноябрь–декабрь ойларидаги иши натижалари бўйича билдирган фикрларини келтириш ўринли деб биламан. Унинг таъкидлашича, “Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсмоқда. Солиқ-бюджет ва ташқи фаолият соҳаларидаги мустаҳкам позиция, банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди”. Уйлайманки, бундай холисона баҳо кўп нарсдан далолат беради², деб таъкидлаган.

Ўзбекистоннинг 2013 йил ва яқин келажакдаги тараққиёт йўлини белгилашда ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг миллий иқтисодиётимизга кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олиш, юртбошимиз таъбири билан айтганда, принципиал аҳамият касб этмоқда. Президентимиз И.А.Каримов бу борада: “Бугунги вазият ўтган йиллар мобайнида инқирозга қарши курашиш борасида тўплаган тажрибамизга суяниб, мамлакатимизни ривожлантириш, ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича эришган суръатларни бой бермаслик учун мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этишни талаб

қилмоқда”³, деб таъкилаган. Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда, 2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилган:

изчил юқори ўсиш суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш, иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш. 2013 йилда ЯИМ ни 8% га, саноатни 8,4% га, қишлоқ ҳўжалигини 6% га, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини 11% га, хизмат кўрсатиш соҳасини қарийб 16% га ошириш вазифаси қўйилган;

иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш;

қишлоқларда такомиллаштирилган замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш ва қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс ривожлантириш;

йўл-транспорт ва коммуникация тизимларини кенг жорий этиш;

фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириб бориш;

янги иш ўринларини ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш.

Ушбу устувор йўналишларнинг амалга оширилиши оқибатида 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23% дан кам бўлмаган даражада ошириш, 2013 йилда ва кейинги икки йилда аҳоли реал даромад-

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. –5, 20-б.; Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012 год. –Т.: ЦЭИ, 2013. –С.12.

² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. –7-б.

³ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. –20-б.

ларини камида бир ярим баробар ошириш вазифаси қўйилган.

Ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ушбу белги-ланган устувор вазифаларни рўёбга чиқариш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик жиҳозлашни амалга оширишда жадаллашган амортизация сиёсатини қўллаш;

- корхоналарнинг инвестиция фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг инвестиция стратегиясининг тармоқни, худудни иқтисодий ривожлантириш умумстратегиясига мувофиқлигини таъминлаш;

- корхоналарнинг республика ва ҳудудий, тармоқ инвестиция лойиҳаларига, дастурларига жалб қилишни кенгайтириш чораларини амалга ошириш. Бунинг учун жойлардаги ҳокимиятлар, тармоқ вазирликлари ва бошқариш органларининг ролини ошириш;

- республикада машинасозликнинг станоксозлик, асбобсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва тракторсозлик тармоқларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, хизматлар таннархини пасайтириш, сифати-

ни ошириш, уларнинг фонд, энергия сифимини (ҳажмкорлигини) камайтиришни рағбатлантириш механизминини такомиллаштириб бориш;

- рабоқатбардош экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни янада рағбатлантириш чораларини амалга ошириш;

- инновацион ишлаб чиқаришни ва тадбиркорликни янада ривожлантириш учун корхоналарда рационализатор ва ихтирочилар уюшмалари, бюро ва гуруҳларини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш;

- ўрта умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим муассаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш;

- иқтисодий олий таълим муассасаларида "Бизнесни бошқариш" ихтисосликлари бўйича бакалаврият ва магистратура бўлимларида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни кенгайтириш;

- табиий фанлар ва техника соҳасида кадрлар, инженер-техник ходимлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни кенгайтириш ҳамда рағбатлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиёт:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 2008 йил 15 апрель.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 2007 йил 12 июль.

3. Указ Президента Республики Узбекистан "О программе мер по поддержки предприятий реального сектора экономики, обеспечению их стабильной работы и увеличению экспортного потенциала" от 28 ноября 2008 г. УП-4058.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, 2009 йил 20 январь.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011–2015 йилларда Ўзбекистон sanoатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори, 2011 йил 7 февраль.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1855-сонли қарори.

7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.

8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013.

9. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари. – Т.: “Akademiya”, 2012.

10. Ваҳобов А, Жумаев Н., Хошимов Э. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. – Т.: “Академнашр”, 2009. –141-б.

11. Ҳ.П.Абулқосимов ва бошқ. Иқтисодиёт асослари ва Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий ислохотлар. – Т.: “Академия”, 2011.

12. Эффективность антикризисных программ и приоритеты посткризисного развития (на примере Узбекистана): Международная научно-практическая конференция: (Материалы), 12 апр. 2010 г. – -Т.: “Узбекистан”, 2010.

13. Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012. – Т.: ЦЭИ, 2013.

14. www.iarex.ru.

15. www.webeconomy.ru.

16. www.bnl.ru.